*XX аср илм намояндалари*

# ОЛИМНИНГ ҚАЛБИ–ФАННИНГ ЧИРОЙИ



***Ўзбекистон Фанлар Академияси Биокимё институти директори, ЎзФА мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, биология фанлари доктори, профессор Талъат Соатов 60 ёшга тўлди.***

Юқоридаги сатрларни ўқиб, бир кишига шунча унвон кўплик қилмасмикан, деб ўйлаб қоласан. Лекин бу унвонларнинг ортида олимнинг умрлик машаққатлари, тинимсиз меҳнати ётганини фақат илм аҳлигина билади. Талъат Соатовнинг умри эса илм-фанга, унинг машаққатли меҳнатига бағишланди.

Талъат Соатов 1940 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Оиланинг тўнғич фарзанди бўлган Талъатжон тиришқоқлиги ва билимга чанқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турар эди. Ёш ўспирин 1956 йили мактабни олтин медал билан тугатганидан сўнг Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Олийгоҳни 1962 йилда имтиёзли тугатган Талъатжоннинг олдида икки йўл турар эди. Бири эл таниган шифокор бўлиш, иккинчиси эса илм-фаннинг машаққатли йўли.

Фан тилсимларини, касалликлар пайдо бўлишининг мураккаб механизмларини очишга бўлган қизиқиш уни ЎзФА Ўлка тиббиёт институтига етаклади. Иқтидорли ёш йигит ўша йилиёқ институтнинг кундузги аспирантурасига қабул қилинди. У аспирантурани муваффақиятли, номзодлик диссертациясини ёқлаш билан тугатди. Ёш олим ўз изланишларини давом эттирди ва фанга олдин маълум бўлмаган маълумотларни аниқлади. Жумладан, Талъатжон биринчилардан бўлиб, қалқонсимон без таркибида асосий оқсил — тиреоглобулин билан бир қаторда, заиф йодланган оқсил — тиреоалбуминнинг учрашини аниқлади. У қалқонсимон без таркибидан йодланган икки оқсилни ажратиб олиб, таркиби, физик-кимёвий хоссалари ва уларнинг хужайра фаолиятидаги аҳамиятини ўрганди.

Ўз тадқиқотларида нафақат биологик, балки физикавий усулларни ҳам қўллаб, олим тиреоглобулин молекуласи структуравий тузилишининг қалқонсимон без гормонлари синтезидаги муҳим ўрнини аниқлади. Ушбу тадқиқотлар буқоқ ҳосил бўлиши ва қалқонсимон без гормонлари синтези жараёнларининг бузилиш механизмларини ойдинлаштиришга ҳисса қўшди.

Тадқиқот натижалари ёш, иқтидорли олимнинг докторлик диссертациясида ўз аксини топди ва тинимсиз, машаққатли меҳнатнинг самараси ўлароқ, у 34 ёшида фан доктори деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Олимнинг қизиқиш доираси ниҳоятда кенгдир. У сўнгги йилларда Республика биокимёсида янги йўналиш бўлган хужайра мембраналари липидларининг гормонлар таъсир механизмидаги аҳамиятини ўрганиш борасида тадқиқотлар олиб борди. У яратган ва раҳбарлик қилаётган олимлар мактаби мембрана липидларининг структураси, функцияси, уларнинг соғлом ва патологик организм алмашинуви бошқарилувидаги ўрнини ўрганди. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида улар касалликлар пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири — мембрана липидлари таркибининг ўзгариши эканлигини аниқладилар.

Олим шу соҳадаги оригинал туркум ишлари учун 1985 йилда Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Профессор Т. Соатов ва унинг шогирдлари инсулиннинг таъсир этиш механизмини ўрганиш ва қандли диабет касаллиги келиб чиқишининг молекуляр асосларини ўрганиш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ушбу тадқиқотлар асосида липосомалар ёрдамида хужайра мембраналари липидлари таркибини тиклашнинг усули ишлаб чиқилдики, бу усул қандли диабет касаллигидаги метаболик ўзгаришларни тиклашдаги янги ёндашувдир.

Соатов ушбу муваффақиятлар билан қаноатланмади, аксинча, ўз тадқиқотлар қамровини кенгайтирди. Т. Соатов ва унинг шогирдлари, липосомалар яратилишининг янги усулини ишлаб чиқдилар. Ушбу липосомаларнинг яратилиши, биотехнология, мембрана ва ген инженерлигини ривожлантиришда кенг истиқболлар очади.

Соатов 285 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифидир.

У нафақат иқтидорли олим, балки улкан фан ташкилотчиси ҳамдир. 39 ёшида Биокимё институти директори қилиб тайинланган олим, бугунги кунгача ҳам ушбу даргоҳга етакчилик қилиб келмоқда.

Илмий изланишларни координациялаш, уларнинг қўшни давлатлар ва чет эл илмий марказлари билан боғлиқлигини таъминлаш профессор фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Т. Соатов кўп маротаба чет элларда нуфузли халқаро анжуманларда илмий маърузалар билан иштирок этиб, жаҳон олимларини Ўзбекистон фани ютуқлари билан бевосита таништириб келмоқда. Профессор Т. Соатов АҚШ, Англия, Германия, Япония, Голландия ва бошқа ривожланган мамлакатлар илмий марказларида илмий сафарларда бўлиб, у ердаги йирик олимлар билан ҳамкорлик алоқаларини боғлаган.

Т. С. Соатов раҳбарлигида институт республиканинг кўплаб илмий-техникавий программалари, Давлат фан ва техникаси қўмитасининг қўшимча вазифаларини бажаришда иштирок этди. Кейинги йиллар давомида институт фундаментал тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ этишда яхши натижаларга эришди. Соатов талабчан устозгина бўлиб қолмай, меҳрибон мураббий ҳамдир. Фақат кейинги 10 йил давомида институтда 18 фан доктори ва 53 фан номзоди етишиб чиқди.

Профессор Соатов кўплаб жамоат ишларини бажаришда фаол қатнашмоқда. Ҳозирги кунда у Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзосидир. Билимдон ва тажрибали раҳбар сифатида институт ва ЎзФА жамоаларининг ҳурматига сазовордир.

Биология фани ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси, биокимё соҳасини жаҳон андозалари даражасига жавоб берадиган илмий ишлари билан бойитганлиги ҳамда биокимёгарлар илмий мактабини яратганлиги учун ҳукуматимиз олимнинг хизматларини юксак тақдирлади. Талъат Соатов 1996 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонига сазовор бўлди.

Забардаст олим, комил инсон, меҳрибон мураббий чинакам илм фидойиси Талъат Соатов фанимизнинг ифтихоридир.

**Мукаррам ЭРГАШЕВА,**
**биология фанлари доктори**

*Тарих суронлари*

# БОБУРНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ

***XVI асрнинг биринчи ярмида Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) томонидан Ҳиндистонда ўрнатилган салтанат бу ерда ислом динининг барқарорлашуви ва кенг тарқалишига катта таъсир кўрсатди. Қуйида покистонлик олим Саййид Хошимийнинг «Ҳинд ва покистон мусулмонлари» тарих китобидан «Бобурнинг ғалабалари» деб номланган боб урду тилидан таржима қилиниб берилмоқда.***

**БИРИНЧИ ПАНИПАТ ЖАНГИ**

**Бобур Деҳли султони билан ўзи ҳаёт-мамот жанги қилишга қасд қилди.**

Ҳиндистон суворийларининг катта камчилиги улар ҳарб илмида жуда орқада қолган эдилар. Иброҳим Лўдҳий Бобурнинг тўп ва тўфангларига қарши камон ва найза билан қуролланган лашкарини майдонга олиб чиқди. Бобурнинг интизомли лашкарига қарши кўп сонли пиёдалар қарши турди. Аммо, бу пиёдалар тартиб ва чидамдан йироқ экани жанг вақтида исбот бўлди.

Бобур қўшинининг сони ўн икки мингдан ҳам ошмас, лекин уларнинг ҳаммаси синовдан ўтган ва сара сипоҳийлар эди. Тўпларнинг мадади уларнинг кучини янада оширади. Панжобдан афғон сардорлари билан келган қўшин ҳам катта жасорат кўрсатади.

Лоҳур, Дивалпур ва яқин атрофдаги қалъаларни эгаллаган Бобур тўхтовсиз Ситланж дарёсидан ўтиб, Анбала Шоҳобод йўлидан Жамна қирғоғи бўйлаб олға юрди. Панипатда Иброҳим Лўдҳийнинг катта қўшин билан келаётганини эшитган Бобур аҳоли яшайдиган яқин жойда тўхтаб, мустаҳкам истеҳком қурди ва ҳал қилувчи жангда ғолиб чиқди, Ҳижрий 932 (милодий 1526) йилда бўлиб ўтган бу жанг кейинчалик тарихда «биринчи Панипат жанги» деб шуҳрат қозонди.

Ҳиндистон тарихидаги бу машҳур жанг бир неча соат давом этди, холос. Жанг бошланишида Бобур олдида шунчалик кўп муаммо кўндаланг турар эдики, уларнинг ярмини ҳам ечишга на вақти, на имкони бор эди. Лекин жанг Иброҳим Лўдҳийнинг ўлими билан ниҳоясига етди ва улкан фатҳ натижасида нафақат пойтахт Деҳли ва Агра, балки бутун салтанат Бобурнинг қўлига ўтди.

Бобур бу ҳақда бундай ёзади: «Султон Маҳмуд Ғазнавий ва Муизиддин Ғурий жуда зўр подшоҳлар бўлиб, катта-катта қўшин билан Ҳиндистонга юриш қилган эдилар. Менинг ҳукуматим Кобул, Қандаҳор ва Шимолда Бадахшонгача чегараланган ва у ҳам бўлса маҳдуш эди... Мен Яратганга ишониб уруш қилдим ва унинг мадади билан Иброҳим Лўдҳийдек ададсиз давлат ва лашкар соҳибидан ғолиб чиқдим. Деҳли фатҳидан сўнг Ҳиндистонда мустақил ва марказлашган давлат тузишга қарор қилдим. Баъзи хос сардорларим орқага қайтиб кетишини маслаҳат беришганда «шундай улкан мулкни ташлаб, кичкина Кобулда қамалиб ўтириш қандай ақлга сиғмайдиган иш» деб Хафа бўлдим. Шундай бўлса-да у кетишни истаганларга рухсат бердим.

Подшоҳнинг бу гапларини эшитгач, ҳамма жим бўлиб қолди. Аммо Амир Хўжа Калоннинг дили Ҳиндистон иссиғидан совиган эди. У кетар чоғи Эски Деҳли қалъасига қуйидаги шеърни ёзиб қолдириб, Кобулга равона бўлди:

**Агар бу хайру саломат гузар зи Синд кунам,**
**Сиёҳ рўй шавам гар ҳавои Ҳинд кунам!**

**КАНВАҲИЙА ЖАНГИ**

Ҳиндистонда мустаҳкам ўрнашиб олгандан сўнг Бобур ва унинг қўшинлари Ҳиндистон халқи билан ўзаро яхши муносабатда бўлишга интилдилар. Улар келганда бошқа жойларга қочиб кетган деҳқонлар ва заминдорлар аста-секин ерларига қайтиб кела бошладилар. Аммо бу маҳал ражпутларнинг янги фитна ғубори пайдо бўлди. Читор рожаси Рано Санго бошчилигидаги қўшинлар қора булутдек Агра томон босиб келаётганлиги тўғрисида хабар келди. Бир юз йигирма аслзода ва рожа унга ҳамроҳлик қиларди. Султон Искандар Лудҳийнинг ўғли Маҳмуд Хон қўлдан кетган мулкини қайта эгалламоқ учун ўн минг сонли патҳанлар билан Синго лашкарига қўшилди. Ҳасанхон Меватий ҳам Рано Сингога итоат билдирди ва ўн икки минг қўшини билан ёрдамга келди. Яна бир мусулмон амири Салоҳиддин ўттиз минг сонли қўшини билан Ранога шерик бўлди. Читор ражпут лашкарлари сони минг суворий ва беш юз жанговар филдан иборат бўлиб, Бобур лашкаридан бир неча баробар зиёд эди. Сипоҳларнинг кўплигидан ташқари Ранонинг жанговар шуҳрати хавф соларди. Чунки Мавра ва Гужаратнинг мусулмон подшоҳлари билан кўп марта куч синашган эди. Рожа синовдан ўтган жасур ҳарбий ҳисобланар эди. Карнал Тед сўзларига қараганда, унинг танасида шижоатнинг саксон муҳри босилган. Бир кўзи, қўли ва бир оёғини жанглар худосига топширган эди.

Бобур Рано лашкарларидан қўрқмасди. Бироқ, барибир мамлакатда бирмунча саросима кўтарилди. Ҳар жойда ғулувлар чиқди. Бобур қўшинига хизматга кирган сипоҳийлари лашкарларни ташлаб қоча бошладилар ва Бобурнинг ёзишича, ҳар куни шундай нохуш хабарлар кўпайди. Бир даста қўшин Кобулдан Аграга етиб келди. Уларнинг ичида шоҳ хонадонининг эски мунажжими Муҳаммад Шариф ҳам бор эди. У: «Миррих ҳозир мағриб томондадир ва мағрибдагилар билан бирга бўлади» дея башорат қилади. Мўғул сардорларининг аксари нужум ва фолга ишонар эди. Бу бахтсиз фол уларни саросимага солиб қўйди. Бобур бу жангга тайёрланар экан, шаробхўрликдан тавба қилди. Қимматбаҳо шароб идишларини синдириб, олтин-кумуш бўлакларини фақирларга тарқатди. Ғазнадан чарм мешларда олиб келинган шаробларга туз солдириб, сиркага айлантирди. Мусулмонлардан баъзи ғайри шаърий солиқ олинар эди. Уларни ҳам бекор қилиб, бу тўғридаги фармонларни ҳар жойга эълон қилдилар. Яна хос мажлис ўтказиб, амирлар ва сардорлар қаршисида нутқ сўзлаб деди: «Беклар ва йигитлар! Ҳар ким бу жаҳонга келаркан, охирида йўқликка кетади. Абадий қолувчи ёлғиз худодир. Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидан ичкусидир ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё ғамхонасидан кечкусидир. Ёмон от билан тирик юришдан яхши от билан ўлган яхширок.

Тангри таоло бу нав саодатни бизга насиб қилибдур ва мундоқ давлатни бизга раво айлабдур. Ўлган шоҳид, ўлдирган ғози. Барча сарбозлар тангрининг каломи билан онт ичмоқ керакким, ҳеч ким бу қитолдан юз ёндиру хаёл қилмағай, то бадандин жони айрилмағунча бу муҳораба ва муқоталадан айрилмайғай».

Бобурнинг бу жўшқин нутқи қўшин руҳини кўтарди ва ҳозир бўлган каттаю кичик Қуръонни қўлига олиб, урушга киришга қасам ичди. Жасорат ўти қўрқув шамолини тарқатиб юборди. Аградан ўттиз мил ғарбда душман яқинида қароргоҳ ўрнатилди. Майдон яқинида Канваҳийа қишлоғи жойлашганлиги учун бу жанг тарихда «Канваҳийа жанги», деб шуҳрат топди. Устод Али Қушнинг тўфангчилари ва устод Мустафонинг румий тўплари ражпутлик қиличбозларни ҳар тарафга тўзғитиб ташлади.

Бобур суворийлари тезлик билан душманни тўплар зарбаси томон сура бошлади. Ҳинду қўшинлари бу хавфли тўпларга қарши бирон тадбир кўролмаганлиги боис охир-оқибатда ҳаммадан аввал ражпутлар қочишга тушдилар. Бобур қўшини ишончли ғалабага эришди (ҳижрий 938 — милодий 1527 йил) ва бир гувоҳнинг айтишича, агар Бобур сабр-тоқат билан урушни давом эттирганда эди, ражпутлар қаршилиги мана шу жангнинг ўзидаёқ бутунлай барҳам топар эди.

**Ботирали ЙЎЛДОШЕВ табдили,**
**ЎзРФА Шарқшунослик институтининг илмий ходими**

*Хотира мангу!*

# ЎН БЕШ ҚИСМАТДОШ

Яқинда ўзини Жўрахон Хўжахонов деб таништирган киши 1928 йилнинг 15 июлида отам Саид Аҳрорийнинг Самарқанд шаҳридан Москвадаги «Теакинопечат» деган идорага йўллаган мактубини менга келтириб берди. Мактубда отам ўша ноширлик тарафидан чоп этилган «Театрнинг ривожланиш йўли», А.В. Луначарскийнинг «Театр нимага хизмат қилади?», В. К. Сережниковнинг «Жамоа бўлиб ифодали ўқиш санъати», В. И. Пудовкиннинг «Киносценарий», А. Голдобиннинг «Кинокартина учун сценарийни қандай ёзиш керак?» деган китобларини юборишни, имкони бўлмаган тақдирда келажакда чоп этилажак асарлар рўйхатини йўллашни сўраган. Мактубнинг орқа тарафида манзил ўрнида «Самарқанд маориф Халқ комиссарлиги, фан бошқармаси, Ғози Олимга — Саид Аҳрорийга топшириш учун» деб кўрсатилишини илтимос қилган. Бундан кўринадики, ёзувчи Саид Аҳрорий сценарий ёзишни ҳам ўйлаган, бунга тайёргарлик кўришга ҳам киришган экан. Мактуб сўнггидаги битикдан маълум бўладики, Саид Аҳрорийнинг Ғози Олим деган дўсти бўлган экан.

Менга мактубни келтириб берган Жўрахон Хўжахонов отамнинг энг яқин дўстларидан, мустабид тузум тарафидан отам билан бир кунда отишга ҳукм этилган ўн беш нафар истиқлолчилардан бирининг фарзанди экан. Эшитган-билганларим, топган ҳужжатларимга кўра отам Асадулла Хўжахонов ва уларнинг бошқа сафдошлари Туркистонни мустабид тузум зулмидан озод этиш йўлида яширин кураш олиб боришган. Уларнинг фожиали қисматининг айри томони шундаки, 1929-1930 йилларда ҳибсга олинган ва 1931 йилнинг 25 апрелида Москва шаҳрида отувга ҳукм этилган ўн беш нафар миллий истиқлолчининг беш нафари Москвада отилгану саккиз нафари Тошкентга келтирилган. Нега бундай бўлган, ҳанузгача сабаби номаълум.

Айтишларича, Тошкентга келтирилганлар ичида Асадулла Хўжахонов ҳам бўлган. Унинг онаси Шокирахон аянинг хотирлашича, у келтирилгандан сўнг уйларида тинтув ўтказилган. Тинтувчилар миллий истиқлолчилар рўйхатини излаган. Гап шундаки, «Миллий истиқлол» ташкилотининг Тошкент бўлимига 1927 йилдан бошлаб Салимхон Тиллахонов, Ғафуржон Мусахонов ва Асадулла Хўжахонов раҳбарлик қилишган.

Маълум бўлишича, Мунаввар қори маслаҳатига кўра тарих учун сақлаб қолиш ниятида «Миллий истиқлолчи»лар рўйхатининг бир нусхаси Асадулла Хўжахоновга топширилган ва бу рўйхатни Асадулла Хўжахоновнинг онаси Шокирахон ая Қашқарликдаги қўрғон отхонасига кўмиб қўйган. Бу орада Шокирахон ая ҳам бир неча кун ҳибсда сақланган ва у ҳам тергов қилинган... Тинтув тугаб, Шокирахон ая қамоқдан чиқиб осойишталик ҳукм сура бошлаган вақтда рўйхат ёқиб юборилган экан...

Москвадан Тошкентга келтирилган саккиз нафар истиқлолчи эса 1931 йилнинг 3 июн куни отиб ташланган. Отилганларнинг қаерда дафн этилганини ҳозирча ҳеч ким билмайди. Фақат асримизнинг йигирманчи йилларида республикамизда истибдод зулмига қарши кураш йўлида фаолият олиб борган зиёлилар «Миллий истиқлол» деган яширин ташкилотга уюшганлари ва у ташкилот аъзолари 1929 йилдан 1931 йилгача собиқ СССР давлат Сиёсий бошқармаси тарафидан таъқиб қилиниб, 87 киши ҳибсга олингани ва улардан 15 нафари Москвага жўнатилиб, «Бутирка» турмасида азоб чеккани ҳамда отиб юборилгани аниқ, холос.



*Суратда: Асадулла Хўжахонов (ўртада) рафиқалари (чапдан) Муқаддасхон Садриддинхон аълам қизи ва оналари (ўнгдан) Шокирахон Бобохон қизи билан.*
*1923 йилнинг 10 августида олинган сурат*

Она юртимизни мустамлакачилик зулмидан қутқармоқ йўлида курашиб, бу тенгсиз курашда шаҳид кетган юртдошларимиз рўйхатини яна бир бор эътиборингизга ҳавола қиламан. Азиз газетхон, диққат билан танишинг, улар орасида қонқариндошларингизми, қўни-қўшниларингизми, йўқми? Уларнинг деярли бари тошкентлик, кўплари Шайхонтоҳур даҳасидан, мана улар: **Мунаввар қори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, Ғулом Икромов, Мирхалил Каримов, Нажмиддин Шораҳмедов, Толибжон Мусабоев, Асадулла Хўжахонов, Усмонхўжа Тўхтахўжаев, Исроилжон Иброҳимов, Тангриқулҳожи Мақсудов, Ҳасанқори Хоний, Зайниддин қори Насриддинов, Муллағайбулло Дадамуҳамедов, Абдуллабек Мусабеков, Саид Абдурашидович Аҳрорий (менинг отам).**

Ватанимиз истиқлоли йўлида курашиб шаҳид кетган юртдошларимизнинг охиратлари обод бўлсин. Биз тирикларнинг бурчимиз эса улар авлодларини топмоқ, улар ёдини абадийлаштирмоқдир. Ана шу ўн беш нафар шаҳид кетганлардан бири Асадулла Хўжахонов ҳибсга олинганда ўғли Жўрахон беш ёшда бўлган Асадулла Хўжахоновнинг яна Фаридахон ва Раъноxон исмли икки қизи бўлган. Бу орада қарийб олтмиш йил ўтиб кетган, у даврда кўрган-кечирганларини сўзлаб берадиган кишилар оламдан ўтиб бўлган. Фақат ҳужжатларга таянган ҳолда иш кўриш мумкинлигини англаб етган Жўрахон Хўжахонов бор бисотини кўздан кечириб отасига тегишли баъзи ҳужжатларни излаб топган. «Қатиқ тўкилса изи қолар» дейди доно халқимиз. Асадулла Хўжахонов шахси ва қилган хизматлари ҳужжатларда битилиб қолган экан. Шундай ҳужжатлардан бири Тошкент шаҳар Давлат суғурта идорасига тақдим этилган, Асадулла Хўжахоновнинг ўз қўли билан тўлдирган маълумотномасидир. Бундан етмиш икки йил муқаддам — 1927 йилда ўрис тилида чиройли ҳуснихат билан саводли тўлдирилган бу маълумотнома уни битган инсоннинг билимдон, илмли киши бўлганидан далолат бериб турибди.

Мен маълумотномадан Асадулла Хўжахоновнинг шахси ҳақида анча нарса билиб олдим. Бунда кўрсатилишича, Асадуллахоннинг отаси Хўжахон Эшонхўжаев Шайхонтоҳур даҳасининг Тарновбоши маҳалласида истиқомат қилган. Чиғатой Чақари маҳалласида беш ярим таноб мевазор боғи, Аччи қишлоғида эса беш ботмонлик пахта ва сабзавот экадиган ери бўлган.

Шунингдек, маълумотдаги жавоблардан октябр тўнтарилишигача Асадуллахоннинг аввал рус-туземм мактабини, сўнг САГУнинг маҳаллий хўжалик ва ҳуқуқ факултетини тамомлаганини, 1918-1919 йилларда ўқитувчи, кейинроқ Туркистон ширкатининг мануфактура бўлимида кассир, 1919-1922 йилларда Тошкентнинг эски шаҳар халқ маорифи бўлимида мудир бўлиб хизмат қилганини билиб олдим. Лекин булар Асадулла Хўжахонов ҳақидаги маълумотларнинг ҳаммаси эмас.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Мустамлакачилик даври қурбонлари ёдини абадийлаштириш жамоатчилик комиссиясини барпо этиш» ҳақидаги Фармони асосида Чор Россияси истибдоди йилларида ва манфур шўро тузуми даврида миллий истиқлол учун курашган ватандошларимизнинг шахси ва фаолиятини аниқлаш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш йўлида жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Комиссия тавсиясига асосан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан пойтахтимизнинг Юнусобод туманида истиқлол учун тенгсиз курашда шаҳид кетган ватандошларимиз ёдини абадийлаштириш мажмуаси барпо этиш бўйича ишлар ҳам бошлаб юборилди. Тез орада ватан учун жонини фидо қилган ватандошлар хотирасининг мангу ўчмас шоҳиди сифатида мажмуа устида мангу олов ловуллаб ёниб туради. Шоҳид кетган ватан ўғлонлари қаторида Асадулла Хўжахоновнинг номи ҳам албатта тилга олинади. Яхшидан ном қолади деб шуни айтсалар керак...

**Холида АҲРОРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

